

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УБАЙДУЛЛАЕВ САРВАРБЕК ШЕРАЛИЕВИЧ

**ЎЗНИ ҲАР ХИЛ ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИДА ПАРВАРИШЛАШНИНГ
МАҚБУЛ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Убайдуллаев Сарварбек Шералиевич

Ўзани ҳар хил қатор ораликларида парваришлашнинг мақбул
агротехнологияларини такомиллаштириш.....3

Убайдуллаев Сарварбек Шералиевич

Совершенствование оптимальных агротехнологий возделывания хлопчатника
при различной ширине междурядий.....17

Ubaydullaev Sarvarbek Sheralievich

Improving agrotechnics of cotton caring in different furrows of rows.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....36

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УБАЙДУЛЛАЕВ САРВАРБЕК ШЕРАЛИЕВИЧ

**ҒЎЗАНИ ҲАР ХИЛ ҚАТОР ОРАЛИҚЛАРИДА
ПАРВАРИШЛАШНИНГ МАҚБУЛ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Qx85 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси) бажарилган..

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (ftga_info@edu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Халиков Баҳодир Мейликович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хошимов Иброҳим Набиевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Негматова Сурайё Тешаевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2021 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган-ёр ш.ф.й, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.:(+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail:agai info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Исашов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор.

С.О.Абдурахмонов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., профессор в.б

К.С.Комилов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё пахтачилигида ерлардан фойдаланишда замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш орқали мақбул ғўза қатор оралиқларини ишлаб чиқиш, тупрокнинг агрономик хусусиятларини яхшилаш ҳамда юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Ҳозирда ғўза ўсимлиги дунё бўйича 80 дан ортиқ мамлакатда, 32 миллион гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, йилига 25 миллион тоннадан кўпроқ тола ҳосили олинмоқда»¹. Шу билан бирга ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, экин майдонларидан оқилона фойдаланишда янги экиш схемаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон пахтачилигида ғўза парваришlashда қатор орасига ишлов беришнинг анъанавий 60, 70, 76, 80 ва 90 см қатор оралиқлари билан бирга кўшқаторли 90(60x30) 70x56, 80x40 см ва бошқа бир нечта қатор оралиқларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга эътибор берилмоқда. Ғўзани парваришlashда мақбул қатор оралиқларини ишлаб чиқиш, турли қатор оралиқларида парваришланаётган ғўзани озиклантиришнинг меъёрлари ва кўчат қалинликлари ҳамда кўшқатор ораларига бериладиган ишловларни мақбул сони ва чуқурлигини белгилаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда ғўза қатор ораларини тўғри белгилаш ерлардан унумли фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»² ги Фармонининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган» муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, «...пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни «кўшқатор» ва «олтмишлик» схемаси асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган «тўқсонлик» схемадан босқичма-босқич воз кечиш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Бу борада ғўза қатор оралиқларининг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш ва унга ишлов бериш сони, чуқурлиги ҳамда озиклантириш тадбирлари бўйича илмий-тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сон «2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари

¹<http://www.ers.usda.gov/publications/cws-cotton-and-wool-outlook/cws-13e.aspx#.UjhSRRzCBmg>. <http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data/pdf>

тўғрисида»³ги қарори ва бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ғўза парваришида мақбул қатор ораларини ишлаб чиқиш, қатор ораларига ишлов бериш муддатлари, ишлов чуқурлиги ва озиклантириш усулларини такомиллаштириш, 45x45 см тизимда квадрат уялаб, 70x45 см ва 60x45 см ва бошқа бир нечта қатор ораликларида ғўза парваришlash бўйича В.Еременко, Ю.Д.Воронин, Г.Григорян, Х.Жалилов П.Языков, А.Шлейхер, Р.Очилдиев, С.Юлдашев, А.Авлиёкулов, Р.Назаров, Ф.Хасанова, А.Ҳайдаров, С.Негматова, К.Комилов ва бошқа бир нечта олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган ҳамда самарали илмий натижаларга эришилган. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Наврўз” навида 90(60x30) ва 80x40 см қатор ораликларида парваришlash бўйича Ш.Т.Саломов томонидан ҳам бир нечта тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг “Андижон-36” навини 80x40 см ва 80x60 см қатор ораликларида, турли кўчат қалинликларида ҳамда маъдан ўғит меъёрларида парваришlash, қатор ораликларининг ишлов ўтказилмайдиган ораликларига ишлов бериш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ҚХА-9-011 “Республиканинг турли тупроқ-иклим шароитида ғўза қатор орасига ишлов беришнинг мақбул агротехнологияларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2012-2014 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида “Андижон-36” ғўза навини 60 см, 90 (60x30), 80x40 ва 80x60 см қатор ораликларида етиштиришда мақбул кўчат қалинлигини, қатор ораларига ишлов беришнинг мақбул сони ва чуқурлигини маъдан ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли қатор ораликларида тупроқ намлиги, ҳарорати, ҳажм массаси ва ғоваклиги ўзгаришини аниқлаш;

турли қатор ораликларида ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларини ўзгаришини аниқлаш;

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 феврал ПФ–4947-сон фармони. Lex.uz/docs/4378526.

³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” ги қарори (259-сонли)

ғўзани ҳар хил қатор оралиқларида парваришлашнинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда чигитларнинг униб чиқиш динамикаси, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

Ҳар хил қатор оралиқларида парваришланган ғўзани қўшқатор орасига бериладиган ишловларнинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсимликларнинг гуллаши, кўсакларни очилиши, қуруқ масса тўплашига таъсирини аниқлаш;

Ҳар хил қатор оралиқларида парваришланган ғўзанинг қўшқаторлар орасига бериладиган ишловлар сони ва чуқурлиги ҳамда ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

Ғўзани ҳар хил қатор оралиқларида парваришлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оч тусли бўз тупроқлар, 60, 90(60x30), 80x40 ва 80x60 см қатор оралиқлари, маъдан ўғит меъёрлари, ғўзанинг ўрта толали “Андижон-36” нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзани 60 см, 90(60x30), 80x40 см, 80x60 см, парваришладда қўшқатор орасига ишлов бериш, тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий хусусиятлари, кўчат қалинлиги, қўшқаторга экиш, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, гуллаши, кўсакларнинг очилиш даражаси, теримлар салмоғи, пахта ҳосили, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни ўтказишда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озик моддалар миқдорларини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений», агрофизикавий таҳлиллар «Методика агрофизических исследований» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиб, тажрибалардан олинган маълумотларнинг математик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

илк бор оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза 80x40 см, 80x60 см қатор оралиқларида парваришланганда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига ўғитлар меъёрларининг ижобий таъсири аниқланган;

N-150, P₂O₅-105, K₂O-75; N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 ва N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га маъдан ўғит меъёрларида 60, 90(60x30), 80x40 ва 80x60 см қатор оралиқларида чигитларнинг униб чиқиш динамикаси ҳамда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши юқори бўлганлиги исботланган;

ғўзанинг гуллаши, кўсакларнинг очилиши ҳамда қуруқ масса тўплашига ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда 80x40 см қатор оралиғида (40 см), 80x60 см қатор оралиғида (60 см) қўшқаторлар орасига берилган ишловларнинг ижобий таъсири исботланган;

ғўза ҳосилдорлиги ва тола сифатининг яхшиланишига 80x40 см қатор оралиғида, N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га ўғит меъёрида қўшқатор (40 см) орасига шоналаш даврида бир марта 5-7 см чуқурликда ишлов беришнинг ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида турли қатор ораликлари, кўчат қалинликлари, кўшқаторга экиш ва қаторлар орасига бериладиган ишловлар мақбул сони ва чуқурликларининг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ғўзадаги самарадорлиги аниқланган.

Фермер хўжаликлари ва пахтачилик кластерларида ерлардан самарали фойдаланишда 80x40 см қатор ораликларида ғўза парваришлашнинг мақбул элементлари ҳамда озиклантириш меъёрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар хил қатор ораликларида парваришланган ғўзани кўшқаторлари орасига ишлов бериш технологиясининг элементлари ҳамда озиклантириш тартибини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни умумий қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, турли агротадбирлар таъсирида ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлик маълумотларининг ишончлилиги математик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг бир бирига мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар маърузаларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Андижон 36 нави 80x40 қатор оралиғида, N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 ўғит меъёрларида, 120-140 минг кўчат қалинлигида парваришлаш ва кўшқатор (40 см) орасига 5-7 см чуқурликда шоналаш даврида 1 марта ишлов бериш технологияси қўлланилиши натижасида юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мумкинлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Андижон 36 нави 80x40 см қатор оралиғида парваришланиб, маъдан ўғитларни мақбул меъёрлари ва кафолатли кўчат сонини таъминланиши ҳамда кўшқатор орасига ишлов беришнинг такомиллаштирилган агротехнологияси қўлланилиши ҳисобига ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва олинган натижаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзани ҳар хил қатор ораликларида парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Турли қатор ораликларида ғўза парваришлаш агротехнологияси бўйича тавсиялар” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 02/020-2802-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда фермер хўжаликлари ва пахтачилик кластерлари учун ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 80x40 см кўшқатор схемада экилган “Андижон-36” ғўза нави маъдан ўғитлар билан соф

холда азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-100 кг/га меъёрларда озиклантирилиб, кўчат қалинлиги 120-140 минг дона/гани ташкил қилган майдонларда ғўзанинг шоналаш даврида сув юрмайдиган (40 см) қатор орасига 5-7 см чуқурликда бир марта наральник билан ишлов бериш агротехнологияси Қўрғонтепа, Жалақудук, Избоскан туманларида жами 239 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 02/020-2802-сон маълумотномаси). Натижада, ҳар гектар майдондан 39,8-40,5 центнер пахта ҳосили олинди, бошқа қатор оралиқларида парваришланган ғўза майдонларига нисбатан 3-4 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилиб, рентабеллик даражаси 23,5% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари тадқиқот ўтказилган йилларда Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ва жамланма ҳисоботлар ПСУЕАИТИнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Республиканинг суғориб деҳқончилик қилинаётган ерларида экиб келинаётган ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда меъерий агроомиллар: гектар ҳисобига кўчат қалинликлари, маъданли ўғит меъёрлари, ҳар хил қатор оралиқларида ғўза парваришlashда қатор (тор) оралиғига ишлов бериш сони, чуқурлиги ва технологиясини тўғри белгилашда тупроқнинг унумдорлигига, яъни унинг

агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган худуднинг тупроқ иқлим шароитлари, тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ғўза навларининг биологик тавсифлари келтирилган.

ПСУЕАИТИнинг Андижон илмий тажриба станцияси тажриба далаларининг тупроғи оч тусли бўз тупроқ бўлиб, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам миқдорда таъминланганлиги аниқланган.

Тажриба бошлашдан аввал тажриба ўтказиладиган далалардан конверт усулида тупроқ намуналари тупроқнинг 0-30, 30-50 ва 50-70 см қатламларидан олиниб, умумий чиринди И.В.Тюрин, яши азот ва умумий фосфор А.И.Гриценко ва И.М.Мальцев, калий П.В.Протасов ва ҳаракатчан шакллари эса $N-NO_3$ ионометрик асбобда, P_2O_5 Б.Мачигин, алмашинувчан калий K_2O алангали фотометрда, ғўзани ўсув даврида ҳамда фазалар бўйича юқорида таъкидланган қатламлар бўйича намуналар олиниб $N-NO_3$, P_2O_5 , K_2O миқдорлари ва учинчи йил охирида чириндининг ўзгариши кўрсатилган усулларда аниқланган. Ўсимлик намуналарида умумий NPK миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцев усуллари бўйича аниқланган. Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги қатламлар бўйича термостатда қуритиш орқали, тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр усулида, шунингдек тупроқ ғовакликлари аниқланган.

Тажрибада 24 та вариант бўлиб экиш тизимлари, кўчат қалинликлари ва қатор ораларига бериладиган ишловлар бўйича вариантлар 3 хил ўғит меъёрларида ўрганилган. Ғўзанинг ўрта толали “Андижон-36” нави экилган. Тажрибада маъдан ўғитлардан: аммиакли селитра ($N-33-34\%$), оддий суперфосфат ($P_2O_5-16,7\%$), калий хлорид ($K_2O-60\%$) ўғитларидан фойдаланилган бўлиб, азотли ўғитлар тавсияларга асосан йиллик меъёрларига мутаносиб равишда ғўзанинг 2-3 чин барг даврида 50; 50 ва 75 кг/га, шоналашда 50; 75 ва 75; гуллашда 50; 75 ва 100 кг/га, фосфорлиларнинг 70 фоизи кузда, 30 фоизи гуллашда ҳамда калийлиларнинг 50 фоизи кузда ва 50% қисми шоналаш даврида қўлланилган. Кўчат қалинликлари ҳар йили амал даври бошида яганалашдан кейин, амал даври охирида 3 қайтариқда барча вариантларда ҳисобланиб, кўчат қалинлиги 120-140 минг туп/гани ташкил қилган. Битта кўсақдаги пахта вазни теримлар олдида олинган (50 та) намуналарда аниқланган. Ғўзанинг амал даври охирида бўлаклари бўйича қуруқ массаси аниқланган. Пахта ҳосили барча вариантларда қайтариқлар ва теримлар бўйича ҳисобланган. Пахта толасининг технологик хусусиятлари ПСУЕАИТИнинг технология лабораториясида аниқланган. Олинган пахта ҳосили маълумотларига Б.А.Доспехов усулида математик ишлов берилиб, ғўзани ҳар хил қатор ораликларида парваришланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда “Методика определения экономической эффективности результатов научных исследований в сельском хозяйстве” қўлланмасидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот мақсади ва вазифаларига кўра олиб борилган тажрибаларнинг натижалари баён этилган. Тажриба ўтказилган майдонда чигит экилгандан сўнг кузатувнинг 10-кунида олинган маълумотларга кўра, тупроқ ҳарорати назорат деб ҳисобланган ва чигит 60 см қатор оралиғида 90-100 минг дона/га кўчат қолдирилган вариантнинг 0-5 см қатламида 16,8 С⁰ ни, 5-10 см да эса 17,0 С⁰ ни ташкил этган ҳолда, чигит 90(60х30) см тизимда 120-140 минг дона/га кўчат қалинлигида экилганда эса 0,2-0,2 С⁰ га юқори бўлганлиги аниқланган. Тажрибада кузатувни бу муддатида нисбатан юқори кўрсаткичлар чигит 80х40 см қатор оралиқларида экилганда кузатилиб, 17,8-18,3 С⁰ ни ташкил қилган ва назоратдан 1,0-1,3 С⁰ га, чигит 80х60 см қатор оралиқларида экилганларга нисбатан эса 0,2-0,1 С⁰ га юқори бўлганлиги аниқланган, бу эса чигитларни 80х40 см ли қатор оралиқларида экилганда куёш нуридан ва ҳаво ҳароратидан ниҳолларнинг мақбул фойдаланиши исботланган. Тупроқнинг ҳажм массаси 80х40 см тизимда ва 120-140 минг дона/га кўчат қалинлигида экилиб, ғўза қатор орасига шоналаш даврида 1 марта (5-7 см) ишлов берилганда 0-30 см қатламда ҳажм массаси кузда 1,37 г/см³ ни ташкил қилиб, дастлабки ҳолатидан 0,02 г/см³ га ортганлиги, лекин (60 см) назоратга нисбатан 0,01 г/см³ га, ўзини назоратига (11-вар) нисбатан эса 0,03 г/см³ га кам бўлганлиги аниқланди. Демак, тупроқнинг ҳажм массасини ўзгаришига нафақат экиш тизимлари, кўчат қалинликлари ва кўшқаторга экиш, қолаверса, мана шу қаторлар орасига берилган ишловнинг ҳам мақбул таъсири бўлганлиги кузатилган.

Тажрибада тупроқ ғоваклиги ўрганилганда чигит 80х40 см оралиғида, 120-140 минг дона/га кўчат қалинлигида экилган вариантда баҳорда тупроқ ғоваклиги 0-10, 10-20, 20-30 ва 0-30, 30-50 смли қатламларда мутаносиб равишда 52,2; 50,0; 47,4; 50,0 ва 51,1% ни ташкил қилгани ҳолда, кузга келиб бу кўрсаткичлар 49,3; 48,1; 47,0; 48,1 ва 47,4% га тенг бўлдики, бу баҳордагига нисбатан 2,9; 1,9; 0,4; 1,9 ва 1,7% га камроқдир, лекин назоратдан 0,3; 0,7; 0,7 ва 0,7% га, 90(60х30) тизимда кўшқаторга экилганга нисбатан эса 2,6; 1,1; 0,9; ва 1,5% га юқори бўлганлиги аниқланган. Қатор ораларига ҳеч қандай ишлов берилмаса ҳам чигит 80х40 см оралиғида экилганда унинг ҳажм массаси нисбатан камайиб, ғоваклиги ортиши аниқланган. Чигит шу (80х40) тизимда, 120-140 минг дона/га кўчат қолдириш белгиланиб экилганда ғўзанинг шоналаш даврида кўшқаторлар орасига 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилган ҳолатда тупроқ ғоваклиги баҳорда қатламларга мутаносиб равишда 52,2; 50,0; 47,8; 50,0 ва 50,7% ни ташкил қилган бўлса, кузга келиб 50,4; 50,0; 47,4; 49,3 ва 47,4% га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар назоратдан (60 см) мутаносиб равишда 0,4; 0,7; 0,4; 0,4 ва 0,7% га, 90(60х30) тизимда кўшқаторда экилгандан 0,8; 1,1; 1,1; 0,8 ва 0,4% га, худди шу тизимда экилиб, ишлов берилмаган вариантга нисбатан эса 0,4; 0,2; 0,1; ва 0,4% га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тупроқдаги умумий чиринди, азот, фосфор ва калий миқдорларини ўзгариши ҳар йили ғўзанинг пишиш даврида олинган намуналарда аниқланган. Ғўза чигитлари 80х40 см тизимда экилган вариантларда ҳам тупроқ унумдорлиги камайган ҳолда, чиринди миқдори 0-30 ва 30-50 см

катламларда мутаносиб равишда 1,248-1,250 % ва 0,930-0,93%, умумий азот 0,1210-0,121 ва 0,093-0,095% ни, фосфор 0,210-0,210 ва 0,204-0,205% ни ҳамда калий 1,181-1,182 ва 1,170-1,170% ни ташкил қилган. Тажрибада нисбатан мақбул кўрсаткичлар барча агротехник тадбирлар маъдан ўғитларни N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинди. Бу вариантларни назоратга нисбатан (9) тупроқни ҳайдов (0-30см) қатламида ғўза амал даври охирида умумий чиринди миқдори 1,244% ни ташкил қилиб, дастлабки ҳолатидан 0,017% га, азот 0,002% га, калий 0,001% га камайиб, фосфор эса 0,003% га ортганлиги кузатилган.



1-расм. Экиш тизимлари, кўчат қалинлиги, қўшқаторга экиш ва қатор ораларига ишлов беришнинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг ҳажм массасига таъсири. 2012 йил (0-30 см қатламда г/см³)

Тажрибада энг мақбул маълумотлар ўғитлар N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилиб, ғўза 80x40 см тизимда, 120-140 минг дона/га кўчат қалинлигида экилиб, қўшқаторлар орасига 1 марта шоналаш даврида 5-7 см чуқурликда ишлов берилганда олинган, шоналашдаги азот тупроқни ҳайдов қатламида 27,9 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 38,0 мг/кг ни ва алмашинувчи калий эса 201 мг/кг ни ташкил қилиб, дастлабки ҳолатидан мутаносиб равишда 3,1; 2,2 ва 0,0 мг/кг юқори бўлганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар 60 см қатор ораллиғига нисбатан (шу ўғит фонидаги) 0,7; 1,2 ва 6,0 мг/кг га, ўзининг назорати ҳисобланган 11-вариантга нисбатан эса 0,1; 0,2; 1,0 мг/кг га юқори бўлган.

Ғўза чигитлари 80x40 см тизимда, 120-140 минг/га кўчат қолдирилиб экилган вариантларнинг назоратида (11) умумий НРКнинг миқдорлари баргларда мутаносиб равишда 1,950; 0,910 ва 1,880% ни, пахтада эса 1,810; 1,220 ва 1,105 % ни ташкил қилиб, 60 смда экилганга нисбатан 0,010; 0,010 ва 0,070% га ҳамда 0,010; 0,020 ва 0,005% га юқори бўлганлиги аниқланган. Демак, ғўзанинг 60 см қатор ораллиғида экилганга нисбатан қўшқаторда 80x40 смда экилса, озика унсурларини нисбатан яхши ўзлаштириш кузатилган.

Тажрибада чигитларнинг униб чиқиш динамикасини кузатганимизда, 80x40 см ораллиғида қўшқаторларга экилганда ҳали ҳеч қандай ишлов берилмаган ҳолда ҳам ғўза ниҳолларини униб чиқиши биров тезлашганлиги кузатилган. Бунда кузатувнинг 1-кунида (6-кун) 18,1-20,1% ниҳоллар униб чиққан бўлиб, назоратдан 0,0-2,0% га кўпроқ бўлганлиги аниқланган. Бу ҳолат кузатувни охиригача давом этиб чигит экилган даврнинг 12-кунида бу

вариантларда 70,3-70,9% ниҳоллар униб чиққан бўлиб, назоратдан 0,0-0,6% гача кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Ўза 80x40 смда, 120-140 минг дона/га кўчат қалинликларидан парваришланган, шонлаш даврида 1 марта 5-7 см чуқурликда қатор ораларига (тупроққа) ишлов берилганда ўсимликларнинг гуллаш жараёни нисбатан ортиши аниқланган. Бунда кузатувнинг охирига муддатида 51,3% ўсимликлар гуллаганлиги кузатилган. Демак, қўлланилаётган ҳар бир агротехник тадбирнинг алоҳида ва комплекс ҳолатда ўзанинг гуллаш динамикасига таъсири бўлганлиги аниқланган. Қатор ораларига 1 марта (5-7 см) ишлов беришнинг ўзига ўзанинг гуллаш жараёни назоратига нисбатан 1,5% га, 90(60x30) тизимга нисбатан 3,2% га ва ишлов берилмаган параллель (11) вариантга нисбатан эса 1,5% га оширган.

жадвал

Экиш тизимлари, кўчат қалинлиги, қўшқаторга экиш ва қатор ораларига ишлов беришнинг ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда пахта ҳосилига таъсири, (ц/га)

Вариант тартиби	Экиш тизимлари, см	Назарий кўчат қалинлиги, минг/га	Қўшқатор оралиғига ишлов бериш сони ва чуқурлиги, см	Йиллар			3 йилда ўртача	Қўшимча ҳосил
				2012	2013	2014		
N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га								
1	назорат 60	90-100	–	35,2	33,1	34,0	34,1	-
2	90(60x30)	120-140	–	36,1	33,8	35,1	35,0	0,9
3	80x40	120-140	–	37,2	33,7	37,1	36,0	1,9
4	80x40	120-140	1 марта (5-7 см)	38,7	37,7	36,7	37,7	3,6
5	80x40	120-140	2 марта (10-12 см)	38,7	38,0	36,7	37,8	3,7
6	80x60	140-160	–	37,6	36,5	36,0	36,7	2,6
7	80x60	140-160	1 марта (5-7 см)	38,0	35,2	38,1	37,1	3,0
8	80x60	140-160	2 марта (10-12 см)	38,1	36,3	38,1	37,5	3,4
N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га								
9	назорат 60	90-100	–	38,2	36,7	36,1	37,0	-
10	90(60x30)	120-140	–	38,8	37,6	37,0	37,8	0,8
11	80x40	120-140	–	40,1	39,0	38,2	39,1	2,1
12	80x40	120-140	1 марта (5-7 см)	41,8	39,2	41,4	40,8	3,8
13	80x40	120-140	2 марта (10-12 см)	41,8	39,1	41,8	40,9	3,9
14	80x60	140-160	–	40,4	39,3	40,0	39,9	2,9
15	80x60	140-160	1 марта (5-7 см)	41,3	37,4	41,3	40,0	3,0
16	80x60	140-160	2 марта (10-12 см)	41,2	38,5	40,9	40,2	3,2
N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га								
17	назорат 60	90-100	–	38,1	36,8	39,1	38,0	-
18	90(60x30)	120-140	–	40,3	37,5	40,1	39,3	1,3
19	80x40	120-140	–	41,2	38,1	41,3	40,2	2,2
20	80x40	120-140	1 марта (5-7 см)	42,9	41,5	40,7	41,7	3,7
21	80x40	120-140	2 марта (10-12 см)	42,6	41,5	40,7	41,6	3,6
22	80x60	140-160	–	40,8	40,3	41,3	40,8	2,8
23	80x60	140-160	1 марта (5-7 см)	41,3	41,7	40,0	41,0	3,0
24	80x60	140-160	2 марта (10-12 см)	42,1	41,7	40,1	41,3	3,3
<i>HCP₀₅=t₀₅*s_d</i>				0,93	0,72	0,82	0,82	
<i>Sx =H*100/x</i>				2,28	1,88	2,09	2,08	

Ҳақиқий кўчат қалинлиги ўрганилганда кўчат қалинликлари 120-140 минг дона/га қилиб белгиланган (2-5; 10-13 ва 18-21) вариантларда ҳақиқийлари 3 йилда ўртача мутаносиб равишда 127,1-129,3; 125,1-129,1 ва 126,1-128,1 минг дона/га ни ташкил қилди. Назарий кўчат қалинлиги 140-160 минг/га белгиланган (6-8; 13-15 ва 22-24) вариантларда ҳақиқийлари 3 йилда ўртачаси мутаносиб равишда (амал даври охирида) 147,1-148,2; 140,1-142,0 ва 145,1-147,3 минг дона/га бўлган.

Тажрибада нисбатан юқори кўрсаткичлар 12-вариантда кузатилиб, бош поя баландлиги 114,2 см ни, ҳосил шохлари сони 15,1 донани ва кўсаклар сони 8,2 донани, шу жумладан очилганлари 5,7 донани ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар ишлов берилмаган (11) вариантга нисбатан мутаносиб равишда 3,9 см, 0,2 дона, 0,6 дона ва 0,1 донага юқоридир. Лекин, назоратга (60 см) нисбатан кўсаклар сони 3,0 донага кам бўлганлиги кузатилдики, бу ҳолат кўчат қалинлигининг ортиши билан боғлиқдир.

Вўзанинг қуруқ масса тўплаши хусусидаги маълумотларни солиштирганимизда 60 см қатор оралиғида, 90-100 минг дона/га кўчат қалинлигида парваришланган (назорат) вариантда амал даври охирига келиб, бир ўсимлик баргларининг қуруқ массаси 38,2 г ни, пояси 19,5 г ни, чаноқлари 17,8 г ва пахтаси 47,1 г ни ташкил қилган бўлса, умумий 1 ўсимликда 122,2 г га тенг бўлган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда тажрибада маъдан ўғитлар N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га меъёрларда қўлланилиб, ғўза қатор ораларига яқка қаторга экилган назорат вариантыда қайтариқлар ва теримлар бўйича ўртача пахта ҳосили 2012, 2013 ва 2014 йилларга мутаносиб равишда 35,2; 33,1 ва 34,0 ц/га ни 3 йилда ўртача эса 34,1 ц/га ни ташкил қилган.

Маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрлари N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га ортиши билан юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 38,2; 36,7 ва 36,1 ц/га ни, ўртача эса 37,0 ц/га ни ташкил қилиб, ўғит меъёрларининг ортиши ҳисобига 2,9 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га фонида олинган қўшимчалари 3,9 ва 1,0 ц/га ни ташкил қилган. Демак, ўғит меъёрлари N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га бўлганда ҳосилдорлик назоратга (1-вариантга) нисбатан 2,9 ц/га ортган бўлса, ўғит меъёрларининг янада ортиши ҳисобига 1,0 ц/га ортганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Вўза парваришида қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида тажрибада қўлланилган агротехник тадбирларнинг ғўзадаги иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган бўлиб, иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда фермер хўжаликларидаги ўртача нарх-наво (прейскурант) бўйича маълумотлардан фойдаланилган. Қўшимча пахта ҳосили олиш учун сарфланган қўшимча (ўғит меъёрларига, кўшқатор ораларига ишлов беришга) кетган ҳаражатлар ҳам инобатга олинган.

Вўзанинг экиш тизимлари, кўчат қалинликлари, кўшқаторга экиш ва қатор ораларига ишлов бериш тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги қўлланилган ўғит меъёри N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га дан N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га га ортиши билан рентабеллик даражаси ортиб, N-250, P₂O₅-175, K₂O-125 кг/га меъёрида эса деярли ўзгармай қолганлиги кузатилган. Вариантлар орасидаги иқтисодий самарадорликнинг нисбатан юқориси N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрида олинган ва ғўза 60 см қатор оралиғида экилган 9-вариантда шартли соф фойда 747000 сўм/га ни рентабеллик даражаси эса 20,2% ни ташкил қилган ҳолда ўғитлар N-150, P₂O₅-105, K₂O-75 кг/га қўлланилган (1) вариантга нисбатан шартли соф фойда 248045 сўм/га ва рентабеллик даражаси 6,4% га юқори бўлган. N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрида яна ғўза 90(60x30) тизимда кўшқаторга экилиб, 120-140 минг дона/га

назарий кўчат қалинлигида парваришланганда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 798600 сўм/га ва 21,3% ни ташкил қилган ҳолда 60 см қатор оралиғига (назорат) нисбатан 51800 сўм/га ва 8,3% га юқори бўлганлиги аниқланган.

Ғўза 80x40 тизимда экилиб, назарий кўчат қалинлиги 120-140 минг дона/га ва қатор ораларига ишлов берилмаганда олинган шартли соф фойда 828600 сўм/га, рентабеллик 21,4% га тенг бўлган. Бу ҳолда шартли соф фойда 90(60x30) тизимга нисбатан 29800 сўм/га, рентабеллик эса 0,1% га юқори бўлган. Энди шу тизим ва кўчат қалинлигида экилиб қўшқатор ораларига шоналаш даврида 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилган вариантни кўрсак, шартли соф фойда 82860 сўм/га ва рентабеллик даражаси 2,1% юқори бўлдики, бу кўрсаткич тажриба бўйича энг мақбул ҳисобланган. Ғўза қатор ораларига 2 марта ишлов берилиши ва сарф-ҳаражатларнинг нисбатан ортиши ҳисобига шартли соф фойда 33000 сўм/га, рентабеллик эса 1,0% камайганлиги кузатилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари**» деб номланган бешинчи бобида дала шароитида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларга хулоса қилинган. Олинган тажриба натижаларидан энг мақбул вариантни ишлаб чиқариш шароитида Избоскан туманидаги “Майгир Юсуфхон” фермер хўжалиги далаларида синовдан ўтказилган. Ғўза 60 см қатор оралиғига экилган вариантда дала тажрибаси каби ўртача кўчат қалинликлари 89,7 минг дона/га ташкил этганлиги сабабли ғўза баландлиги ва кўсақлар сони 80x40 тизимдагиларга нисбатан бироз юқори бўлган. Ғўза қатор ораларига 1 марта шоналаш даврида ишлов (5-7 см чуқурликда) берилганда кўрсаткичлар нисбатан яхшиланганлиги кузатилган ва мутаносиб равишда 110,8 см, 14,1 ва 7,8 донани, очилганлари 6 донани ташкил қилиб, (назоратга) 2-вариантга нисбатан 0,3 см, 1,6 ва 0,2 донага юқори бўлган.

Ғўза 80x40 см қатор ораларида 120-140 минг дона/га кўчат қалинлигида экилиб, қўшқаторлар орасига ишлов берилмаганда назорат (60) га нисбатан 1,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган. Ғўзанинг кўчат қалинликлари экиш тизимларига мос ҳолда бўлса, пахта ҳосили нисбатан ортиши яна бир бора исботланган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаларида олинган илмий маълумотлар ишлаб чиқариш шароитида ҳам ўз исботини топган.

ХУЛОСАЛАР

1. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза ҳар хил 80x40, 80x60, 90(60x30) ва 60 см қатор оралиқларида парваришланганда тупроқнинг агрофизикавий хусусиятларининг ўзгаришига қўлланилган ўғит меъёрлари таъсири кузатилмади, лекин нисбатан мақбул кўрсаткичлар қатор оралари 80x40 см бўлганда ҳажм массаси 0,01-0,04 г/см³ га, ғоваклиги 0,1-0,4% яхшиланганлиги кузатилди.

2. Ғўза 80x40 см қатор оралиғида парваришланиб, қўшқаторлар орасига шоналаш даврида 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилганда тупроқнинг 0-30 см қатламида умумий чиринди миқдори назоратга нисбатан 0,008% га, азот 0,001% га, фосфор 0,001% га ва калий 0,001% га, нитратли азот 0,7 ҳамда

ҳаракатчан фосфор 1,2 ва алмашинувчи калий эса 6,0 мг/кг га юқори бўлганлиги аниқланди.

3. Ғўза ҳар хил (60, 90(60x30), 80x40 ва 80x60) қатор ораларида парваришланганда ўсимликларни озикланиш ва ривожланиши учун бошқа қатор оралиқларига нисбатан 80x40 см қатор оралиғида N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда мақбул шароит яратилганлиги кузатилди. Ғўзанинг ўсиб ривожланиши ва ҳосил тўплаши қатор оралиғи 80x40 см бўлган вариантларда назорат қатор оралиқларига нисбатан жадаллашиб, бош поя баландлиги 3,9 см, ҳосил шохлари сони 0,2 ва кўсақлар 0,6 донага юқори бўлди.

4. Ғўза 80x40 см қатор оралиғида N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га ўғит меъёрларида парваришланиб, шоналаш даврида кўшқаторлар орасига 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилганда ўсимликларнинг гуллаш жараёни назоратга нисбатан 1,5%, 90(60x30) тизимга нисбатан 3,2% ва ишлов берилмаган шу тизимдагига нисбатан 1,5% ортганлиги, ғўза 80x60 см қатор оралиғида гектарига 140-160 минг дона/га кўчат қалинлигида парваришланганда эса 80x40 см қатор оралиқларига нисбатан кўрсаткичлар 0,9% га камайганлиги аниқланди.

5. Ғўзани ҳар хил қатор оралиқларида, кўчат қалинликларида, ўғит меъёрларида парваришланишнинг пахта ҳосилига таъсири борлиги кузатилиб, нисбатан энг юқори пахта ҳосили чигит 80x40 см қатор оралиғида экилиб, шоналаш даврида кўшқатор орасига 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилганда ва N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда олинди ва 3 йилда ўртача 40,8 ц/га ни ташкил қилган ҳолда кўшимча ҳосил назоратга нисбатан 3,8 ц/га ни ташкил қилди.

6. Пахта толасининг технологик хусусиятларини мақбул кўрсаткичлари ғўза N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрда, 80x40 см қатор оралиғида кўшқаторлар орасига шоналаш даврида 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилганда олиниб, толанинг чиқиши 33,2%, узунлиги 33,1 мм, чизикли зичлиги 180, нисбий узилиш кучи 26,8 г/куч га тенг бўлди ва ғўза 60 см қатор оралиқларида экилганга нисбатан мутаносиб равишда 0,3%, 1,1 мм, 12,0 ва 1,32 г/куч га, ишлов берилмаган назорат вариантыга нисбатан эса 0,1%, 0,8 мм, 10 ва 1,1 г/куч юқори бўлганлиги аниқланди.

7. Ғўза ҳар хил қатор оралиғида, кўчат қалинлигида, кўшқаторда ва ўғитлар меъёрида парваришланганда энг юқори иқтисодий самарадорлик 80x40 см қатор оралиғида 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов берилган ва N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрларда қўлланилганда олиниб, шартли соф фойда 933000 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 23,5% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 60 см қатор оралиғига нисбатан 180 000 сўм/га ва 3,3% га юқори бўлганлиги ҳисобланди.

8. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда манба тежовчи технология сифатида N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га 80x40 см қатор оралиқларида, 120-140 минг дона/га кўчат қолдирган ҳолда парваришлаш ва кўшқатор (тор) орасига шоналаш даврида 1 марта 5-7 см чуқурликда ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

УБАЙДУЛЛАЕВ САРВАРБЕК ШЕРАЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОПТИМАЛЬНЫХ
АГРОТЕХНОЛОГИЙ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ ХЛОПЧАТНИКА ПРИ
РАЗЛИЧНОЙ ШИРИНЕ МЕЖДУРЯДИЙ**

06.01.01 – Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Qx651

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника (НИИССАВХ Андижанской научно-опытной станции)

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (ftga info@edu.uz) и на информационно - образовательном портале “Ziyonet” по адресу (www.ziyonet/uz).

Научный руководитель:

Халиков Баходир Мейликович,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Хошимов Иброхим Набиевич,
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник.

Негматова Сурайё Тешаевна,
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкенский государственный аграрный университет

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «___» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD. 05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. (Адресу: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган-яр, улица Олийгох, дом 1. АҚҲАИ. Тел.:(+99874) 373-10-54; факс.:(+99874) 373-13-63; e-mail: agai info@edu.uz, Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, зал заседаний.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована №___). Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган-яр, улица Олийгох, дом 1. АҚҲАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: .:(+99874) 373-13-63; Информации ресурс центра.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2021 года)

А.Исашов,
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

С.О.Абдурахмонов,
Учёный секретар научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., и.о профессор

К.С.Комилов,
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
к.с.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мировом хлопководстве при использовании земель уделяется особое внимание разработке оптимальных величин междурядий, улучшению агрономических свойств почвы и выращиванию качественного урожая путём эффективного использования современных агротехнологий. «На сегодняшний день в мире хлопчатник выращивается в более чем 80 странах, на площади свыше 32 миллионов гектаров и в год производится более чем 25 миллионов тонн урожая хлопковолокна»¹. Вместе с тем, уделяется особое внимание разработке перспективных агротехнологий получения высокого и качественного урожая из хлопчатника, а также разработке новых схем посевов для рационального использования посевных площадей.

В настоящее время в мировой практике хлопководства создаются возможности эффективного использования земель путём использования двухстрочных междурядий 90 (60x30) 70x56, 80x40 см и других нескольких междурядий при обработке междурядий наряду с традиционными величинами в 60, 70, 76, 80 и 90 см при выращивании хлопчатника. Актуальной задачей является разработка оптимальных величин междурядий при уходе за хлопчатником, ведение научных исследований по определению норм подпитки хлопчатника и плотности посевов хлопчатника, выращиваемого в различных междурядьях, по определению оптимального количества и глубины обработок двухрядных междурядий, и внедрение в производство полученных результатов.

И в Республике Узбекистан одним из важных факторов эффективного использования земель является правильное определение величины междурядий хлопчатника. В пункте 3.3 Указа Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах»² намечены важные задачи по «...повышению объёма производства в сельском хозяйстве, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению объёма производства экологически чистой продукции, значительному повышению экспортного потенциала аграрного сектора». В выступлении Президента Шавката Мирзиёева в 2017 году на торжественной церемонии, посвященной Дню работников сельского хозяйства, отмечено, что «...в целях повышения урожайности хлопковых площадей и эффективного использования земель, необходим переход на «двух строчную» и «60 сантиметровую» схему посева семян хлопчатника и поэтапный отказ от неэффективной «90 сантиметровой» схемы. Также отмечено «... о необходимости возделывания хлопчатника совместно с китайскими учеными на основе современных технологий в Ферганской, Андижанской и Наманганской областях».

¹<http://www.ers.usda.gov/publications/cws-cotton-and-wool-outlook/cws-13e.aspx#.UjhSRRzCBmg>.
²<http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data/pdf>

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №259 «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объёмах производства продукции под урожай 2019 года» от 29 марта 2019 года»³, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

